


III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2019 йилнинг январь-декабрида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 14 148,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 104,3 фоизни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларда кўрсатилган хизматлар 13 817,2 млрд. сўмни (104,3 фоиз), овчилик соҳаларда кўрсатилган хизматлар 0,2 млрд. сўмни (101,3 фоиз), ўрмон хўжалигида 233,7 млрд. сўмни (102,3 фоиз), балиқчилик хўжалигида 97,1 млрд. сўмни (110,2 фоиз) ташкил қилди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)лари ҳажмининг ўсиши асосан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳада кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли даражада ортиши билан боғлиқдир.

Хусусан юқори ўсиш суръатлари Дўстлик (109,2 фоиз), Ғаллаорол (105,7фоиз), Шароф Рашидов (105,0 фоиз), Янгиобод (105,0 фоиз), Зафаробод (106,8 фоиз) туманларида кузатилди. Шунингдек, ўз навбатида Арнасой (102,5 фоиз), ва Пахтакор (102,7 фоиз) туманларида паст ўсиш суръатлари кузатилди.

2019 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 73,9 фоиз).

Деҳқончилик. 2019 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 5 135,6 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 109,9 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 37,4 фоизни ташкил қилди.

Ҳосилни йиғиб олиш. Ҳисобот даврида барча тоифадаги хўжаликларда 590 299 тонна (112,5 фоиз) жами дон, 512 109 тонна (113,6 фоиз) бошоқли дон, 475 403,5 тонна (118,9 фоиз) буғдой, 36 126 тонна (107,4 фоиз) маккажўхори, 65 892 тонна (105,9 фоиз) картошка ковлаб олинди, 421 117 тонна (106,6 фоиз) сабзавотлар, 244 075 тонна (107,5 фоиз) озиқбоп полиз, 87 660 тонна (106,3 фоиз) мевалар ва резаворлар, 28 832 тонна (116,9 фоиз) узум йиғиб олинди.

2019 йилнинг январь-декабрда хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		Шу жумладан:					
			Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда
Дон жами	590 299	112,5	542 101	111,2	30 102	98,2	18096	2,7 м.
Бошоқли дон	512 109	113,6	481 998	111,9	13 039	90,1	17072	3,0 м.
шундан:буғдой	475 403	118,9	449 043	117,4	12 084	90,7	14276	3,3 м.
маккажўхори дон учун	36 126	107,4	19 368	110,1	16 395	104,4	363	105,8
Картошка	65 892	105,9	11 901	129,5	53 826	101,8	165	104,4
Сабзавотлар-жами	421 117	106,6	139 840	114,1	277 155	103,4	4 122	96,9
Полиз - жами	244 075	107,5	112 831	115,5	127 916	101,6	3 328	94,5
Мевалар ва резаворлар-жами	87 660	106,3	30 727	115,9	55 394	102,0	1 539	92,6
Токзорлар	28 832	116,9	11 143	146,5	17 628	103,7	61	101,7

2019 йилнинг январь-декабрда ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Бошоқли дон (минг тонна)



Бугдой (минг тонна)



Маккажўхори дон (минг тонна)



Картошка (минг тонна)



Сабзавотлар (минг тонна)



Полиз (минг тонна)



Мевалар ва резаворлар (минг тонна)




Ўзум (минг тонна)



Терак кўчатлари сони (минг дон)



Терак қаторлари сони (минг туп)



Чорвачилик. Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2019 йилнинг январь-декабрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 8 581,0 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан январь-декабрида фоизни (2018 йилнинг январь-декабрида 101,6 фоизни) ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 62,6 фоизни ташкил этди.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони 899,1 минг бошга (100,6 фоизга), шу жумладан сигирлар 251,8 минг бошга (100,3 фоизга), қўй ва эчкилар 2 155,7 минг бошга (101,8 фоизга), отлар 27,3 минг бошга (102,5 фоизга) паррандалар 3 574,4 минг бошга (108,8 фоизга) кўпайди.


2020 йил 1 январь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		Шу жумладан:					
			Фермер хўжаликлари		Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Йирик шохли қорамоллар	899,1	100,6	39,7	107,4	844,8	100,2	14,6	106,5
Сигирлар	251,8	100,3	11,8	111,9	236,6	99,7	3,5	105,6
Қўй ва эчкилар	2 155,7	101,8	342,8	107,6	1 620,9	100,8	192	100,2
Отлар	27,3	102,5	4,8	122,6	19,4	98,9	3,1	99,5
Паррандалар	3 574,5	108,8	298,9	94,8	2 041,1	102,8	1 234,5	125,4


Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 94,0 фоизни, фермер хўжаликларида 4,4 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 93,9 ва 4,7 фоизни, қўйлар ва эчкилар 75,2 ва 15,9 фоизни, паррандалар 57,1 ва 8,4 фоизни ташкил қилди.

2020 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан: сигирлар (минг бош)



Қўйлар ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)



Отлар (минг бош)



2019 йилнинг январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазнда 215 274 тонна гўшт (2018 йилнинг январь-декабрига нисбатан 101,3 фоизга кўп), 609 029 тонна сут (102,5 фоиз), 301 771 минг. дона тухум (111,7 фоиз), 6 536 дона қоракўл тери (200,5 фоиз) ишлаб чиқарилди.

**2019 йилнинг январь-декабрда хўжалик тоифалари бўйича
асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

	Барча тоифадаги хўжаликлар		Шу жумладан:					
			Фермер хўжаликлари		Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда	тонна	ўсиш суръати, фоизда
Гўшт, тирик вазнда, тонна	215 274	101,3	3 664	152,0	210 630	100,7	980	108,6
Сут, минг	609 029	102,5	8 614	126,5	599 313	102,3	1 102	109,5
Тухум, минг. Дона	301,8	111,7	11,4	215,1	181,8	102,9	108,5	123,1
Қорақўл тери, дона	6 536	200,5	2 295	89,8	3 537	0,0	704	100,1
Овланган балиқ	7 914,1	110,7	1 832	148,6	3 137,1	105,5	2 945	100,0

**2019 йилнинг январь-декабрда ҳудудлар кесимида асосий турдаги
чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

Гўшт (тонна)



Сут (тонна)



Тухум (минг дона)



Овланган балиқ (тонна)

